

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-ИЛ ЧИКИШИ.

№ 178 (4384).

10
СЕНТЯБРЬ

Ж У М А

1971 ИЛ

Баҳоси 2 тийин.

МАШИНАГА ТАЯНИБ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Улкан хирмонга пухта ҳозирлик кўрайлик», деган қарорига жавобан Юқори Чирчиқ районидagi «Правда» колхозини пахтакорлари янги оширилган мажбурият қабул қилдилар. Хўжалик аъзолари имконият ва ички резервларини қайта кўриб чиқиб, янги беш йилликнинг дастлабги йилида 1848 гектар пахта майдонидан пландаги 5140 ўрнига 6000 тонна «оқ олтин» армуғон этишга аҳд қилдилар.

Август ойини гўза парваршида зарбдор ой деб эълон қилган омилдор миришкорлар ўсиш ва ривожланишдан оқда қолган гўзаларга қўшимча ишлов беришни ҳамда машина теримга мослаб ўстириш учун барча тадбирларни кўришди. Шунингдек, катта раънаб беш ва этакдан агрегат айланиш

учун йўл очилишига ҳам эътибор берилди. Гўзани гўллаб кетишига йўл қўйилмади. Катта бўғин, сершоҳ, ҳосилдор, кўсакларни тўлиштириш учун илгори агротехника тадбирлари қўлланилди. Меҳр билан парварши қилинган ҳар бир туپ гўзада 15—16 тадан бўғин кўсак этилишига астойдил ҳаракат қилинди. Пайкалла рдаги гўзалар йиғим-теримга қадар яна 1.5—2 марта суғорилди. Гўза туғилиши «ости юмшоқ ва сертулроқ бўлишига эришилмоқда. Дефолиацияни август ойи охири-сентябрь ойи дастлабги кунларида бутфос ва хлорат — мағний препаратларини ишлатиш зарур. 75—80 процент гўза бағри тўқирлиб машиналар нормал ишлаши учун широнт яратилмоқда.

Илгори меҳанизатор — звено бошлиқларидан Толиб Нишонов,

Мурод Ибраев, Ҳўтам Довутов, Ўбайдулла Орипов каби дала суворийларининг «Зангори кема»лари пахтазорларга етиб келди.

КПСС XXIV съезди тарихий қарорларидан руҳланган правданиклар Бекобод районидagi «Победа» колхозини пахтакорларининг пахта таннарини арзонлаштириш, йиғим-терим компаниясини уюшқоқлик билан энг қисқа муддатда туғаллаш учун 36 та пахта терим машинаси, 216 та трактор прицеп, 23 та транспортёр, 4 та «ПУ-0,5» погрузчикни ремонтдан сифатли чиқариб теримга шай қилиб қўйдилар. 20 та кўсак терим, 17 та пахта подборшчиги, 7 та гўза-поп йиғиштирадиган агрегатлар тез сурытлар билан ремонт қилинди.

Б. АЗИЗОВ.

Х О Р А З М ДЕХҚОНЛАРИ КЕНГАШИ

УРГАНЧ. 8 сентябрь. (ЎзТАГ). Бугун Урганч районидagi Калинин номи колхозда Хоразм област қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Хоразм област иқроия комитетининг раиси Р. Ишқонов «Алмашлаб экишни жорий қилиш асосида чорвачиликни мустақам етказиш базасини вужудга келтириш босқисидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленуми қарорларини бажариш чоралари тўғрисида» доклад қилди.

Область партия комитетининг секретари Х. Матраслов пахта йиғим-терим кампаниясини муваффақиятли ўтказиш ва 1971 йилги пахта ҳосилини машиналар билан териб олиш юзасидан социалистик мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш вазифалари ҳақида доклад қилди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сўёсий Бюроси аъзолари кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.



МАШИНА билан пахта теримга областда биринчи бўлиб тушган Бекобод районидagi «Ленинград» совхозини меҳанизаторлари кун сайин сурытлаш кучайтирмоқда. «Зангори кема»лар бунгеридаги тўқилган пахталар хирмонларини тўқилмоқда. Сурытларда: (юқорида) пешқадм меҳаник-ҳайдовчи А. Белоусов ва (пастда) машина теримчи пайти.

Н. ТУРАЕВ фотолари.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ УРФ-ОДАТЛАР ВА МАРОСИМЛАРНИ ХАЛҚ ХАЙТИГА ЧУҚУР СИНГДИРАЙЛИК

9 сентябрда Тошкентда ўз иш-ини бошлаган республика семинар-кенгаши янги урф-одатларни ва маросимларни пропаганда қилиш ҳамда уларни меҳнаткашлар ҳаётига сингдириш масалаларига бағишланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан чақирилган бу семинарда област, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, област иқроия комитети раисларининг ўринбосарлари, област партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлимининг муҳрирлари ҳамда лекторлар группасининг раҳбарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзулари совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг масъул ходимлари, оспасты, шаҳар ва район комсомол комитетларининг секретарлари, бир қанча бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, партия комитетларининг ва «Билим» жамиятининг лектор-агитаторлари, матбобот, маданият, оқрув муассасалари ижодий союзулар, мактаблар ва олий ўқув юрталарининг ходимлари қатнашмоқда. Марказий газеталар ва журналларнинг вакиллари, Москвадаги ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидаги олимлардан иборат меҳмонлар ҳам бор.

«Янги урф-одатлар ва маросимларни турмушга сингдириш меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим вазифаси» деган мавзуда семинарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов доклад қилди.

Самарқанд област партия комитетининг секретари Х. Ю. Асқадиев, «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори М. Қориев, Сирдарё област партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг муҳрири И. Имомов, Ўзбекистон ССР маданият вакиллари А. М. Қўчқоров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радио эшиткириш Давлат Комитетининг раиси У. Б. Иброҳимов, республика Фанлар академияси тарих, тил ва адабиёт институти Қораалпоғистон филиали илмий атеизм секторининг муҳрири Д. Бозорбоев, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Гафуров ва бошқа ўртоқлар ўз нутқларида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг актуал проблемалари тўғрисида гапирдилар.

Семинар-кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлими муҳрирининг ўринбосари Ю. А. Силаров қатнашмоқда. Семинар-кенгаш ўз иш-ини давом эттирляпти.

400.000 ТОННА ПАХТА УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШ
ВА ГЎЗАНИ ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА
ШУ ЙИЛ 9 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунлик тайёрланган пахта, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — бир кунда қилинган дефолиация, бешинчи стун — мавсум бошидан бери.				
Бекобод	0,92	3,06	12,6	93,2
Янгийўл	0,70	2,42	14,4	89,6
Пискент	0,42	1,94	9,0	79,7
Урта Чирчиқ	0,51	1,71	3,4	102,9
Бўна	0,31	1,14	6,2	92,6
Оққўрғон	0,25	0,72	15,9	111,0
Юқори Чирчиқ	0,19	0,69	11,6	102,9
Область бўйича	0,49	1,68	10,3	97,6

ҚИШЛОВГА ТАРАДДУД

Калинин районидagi Собир Раҳимов номи колхоз аъзолари чорва маҳсулотлари тайёрлашда яхши натижаларга эришиш учун курашмоқдалар. Бунга мустақам етказиш базасини яратиш туфайли эри-

шилмоқда. Бу йил ҳам улар чорва қишлоғига етказиш миқдорда етказиш жамғарилмоқда. Шу кунгача 180 тонна се-наж, 360 тонна дағал хашак тайёрланди.

Т. ЖҲАЕВ.

ҚУВОНЧЛИ НАТИЖА

«Коммунизм» совхозининг 5 бўлими азаматлари 500 гектар ерга қанот уруғи, 80 гектар ерга чигит экишганди. Улар тўқилган беш йилликнинг биринчи йилини намунали яқинлаш мақсадида астойдил тер тўқиб меҳнат қилаётир. Етиштирилган мўл ҳосилни чамалаб, гектаридан 150 центнердан «оқ олтин», 55 центнердан уруғи, 30 центнердан «оқ олтин» хирмонни кўтаришга аҳд қилишган.

Бўлимда 14 та «ЛС» маркази агрегат билан кунга 210—220 тонна тола тайёрланмоқда. Бу ишда, айниқса Х. Қўшанов, С. Абдурахмонов, В. Санджабооров каби меҳанизаторлар намуна бўлишляпти.

ҲОСИЛ МЎЛ БЎЛДИ

Оққўрғон районидagi Ҳамза номи колхоз аъзолари бу йил 420 гектар майдонга чигит экиб, юқори ҳосил етиштирдилар. Улар ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» топишга аҳд қилишган. Хўжаликда шунга яраша ҳосил тулланган.

С. МАМАТОВ.

УРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ

Оқунбобоев номи колхоз дала-ларда пахта терим кундақ-қўқизини тус олмақда. Қўн минг килограммчилар сови тобора ортиб бормоқда. Колхозининг 6-бригадаси аъзоси И. Рустамова биринчи кунлардан бошлаб теримда барчага ўрнак бўляпти. У ҳар кун хирмонга 90—110 килограммдан «оқ олтин» териб тўқмоқда. Сурада: чевар теримчи И. Рустамова.

А. АБАЛАН фотоси.



ДАЛАЛАРДА БЕГОНА ЎТ БЎЛМАСИН

Далаларимизда пахта қийос оқайди. Теримда сурытга-сурыт қўшилмоқда. «Зангори кема» на-пиканлари ҳам энг шимариб ишга тушдилар.

Бу йил областнинг меҳанизаторлари бунгеридадан 250 минг тонна «оқ олтин» тўқилган аҳд қилдилар. Бу ўтган йилдагига нисбатан анча кўпдир. Ҳаво ло-чилари пахтакорларимизга яқиндан ёрдам бериб, дефолиацияни тезда ўтказиш учун ҳар-кат қилмоқдалар.

Яна 7-8 кундан кейин пахта йиғим-теримнинг ҳал қилувчи давлари бошланади. Бу фурсатдан фойдаланиб, машиналар иш-лайдиган майдонларини ҳар тараф-лама тахт қилиб қўйиш, уларни бегона ўтлардан тозалашга эъти-борни қўйиш зарур.

Маълумки, ўт бор жойда терим машиналари яхши ишламайди, иш унумдорлиги паст бўлади. Буни ҳар бир хўжалик тўла ҳисобга олмоғи лозим. Урта Чирчиқ, Бўна, Бекобод ва Пискент районла-рида ўт босган гўзалар кўп.

Оққўрғон райони хўжаликлари машина йиғим-теримга пухта ҳо-зирлик кўрмоқдалар. Бу ерда ма-шина билан пахта териладиган майдонлардаги барча бегона ўт-лар юлиб ташланган. Шунинг

Область қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Т. М. ОРТИҚХҲАЕВ билан суҳбат

учун ҳам улар машина теримида йилдан-йилга юксак кўрсаткичлар-га эришмоқдалар.

Ҳозир энг асосий вазифа дала-даги бегона ўтларни таг-томири билан юлиб ташлаб, «Зангори кема»ларнинг унумли ишлашига кенг йўл очиб беришдир. Шундай экан, ҳар бир колхоз ва совхозда, участкада нарта майдонлари қай-тадан текширилиб, ўт босган ер-ларга қўшимча ишчи кучлари аж-ратиш мақсада мувофиқ. Терил-ган пахта қанча тоза бўлса, унга ҳақ тўлаш ҳам шунча кўп бўлади.

1971 йил ҳосилидан бошлаб машина билан терилган пахтанинг ифлосланишини қайтариш «дара-жасига қараб устам» мукофот бе-риш жорий эгилмоқда. Биринчи группа пахта беш про-центгача ифлос бўлса тоналасига 15 сўмдан, 5.1-12 процентгача ифлос бўлса 10 сўмдан қўшимча ҳақ тўланади.

Пахтани ифлос теримга йўл қўймаган илгорларни рағбатлан-тириш учун кенг ҳуқуқ берилди. Пахтани белгиланганидан ортиқча

ифлосликка йўл қўймасдан йи-ғиштириб олиб, далагача тошир-ган ишчилар, колхозчилар, ме-ханизаторлар ва теримга бевосита алоқадор бўлган барча ишчиларга хўжаликлар олган қўшимча 50 процент қандан тўлаш колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига таъ-сия этилди.

СССР Тайёрлаш министрлиги пахта ҳосилини қабул қилиб олиш юзасидан таъсисномасида кўрсати-лишча, биринчи ва иккинчи груп-па пахта машинада аралаштириб терилган бўлса, унинг миқдоридан қатъий назар, иккинчи группа хи-собида қабул қилинади. Бу эса хўжаликка қония зарариди II сонда биринчи группага қабул қилинган ҳар бир тонна пахтага 490 сўм тў-ланади, иккинчи группа пахтага ати-ги 210 сўм ҳақ тўланади. Шундай қилиб, сортларнинг аралаштириб юборилиши туфайли ҳар тонна пахтадан 280 сўмгача зарар қў-рилади.

Бу шароитни ҳар бир меҳаник-ҳайдовчи, теримчи, бригада бо-шлиқлари, сувчилар, хўжалик рах-барлари тўла ҳисобга олишлари,

хўжаликда даромаднинг қамайиб кетишига асло йўл қўймаслини за-рур.

Мутахассисларимиз ўт босган бир гектар ер хўжаликка қанча зарар етказилиши ҳисоблаб чи-қилди: 180 сўмин ташкил этар-экан. I группага қабул қилиниши зарур бўлган пахталарни иккинчи группага аралаштириб юбормас-лик, ифлос ва ердан терилган пах-таларни унга қўшмаслини керак, ўтбосган ерларда машина билан пахта терилганда ҳосилнинг 5 центнери ерга тўқилди. Шун-дай экан, биз бегона ўт-ларга қарши курашни из-чиллик билан амалга оширишимиз зарур. «Зангори кема»лар юради-ган майдонларни ўтга бостириб юбормайлик. Агар ҳамма майдон-лар бегона ўтлардан тозаланиб, терим ишлари қўйайтириб юбо-рилса, терилган ҳосилнинг асосий қисми биринчи группага қабул қи-линади, пахтанинг ифлосланиши қамайиб, кўпроқ фойда олинишига эришиллади.

Бу йил пахтани қабул қилиб олиш янги тартиб асосида қилиб бориляпти. Шундай экан, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, бригада бошлиқлари, мутахассис-лар бу қанчалик масъулиятли иш эканлигини чуқур ҳис этишлари лозим.

(ТАСС).



ВИСТАВКА ОЧИЛДИ

8 сентябрда Москвадаги Со-кольников маданият ва истироҳат паркиннинг Миллатлар хиёбонда

ВЛКСМ ДЕЛЕГАЦИЯСИ

БУРУНДИДА
▲ БУЖУМБУРА. Ўзбекистон ёшлар ташкилотлари комитети-

нинг раиси И. Т. Юсупова бошчи-лигидаги ВЛКСМ делегацияси 31 августдан 8 сентябргача Бурунди Республикасида бўлди.

Совет делегациясини мафруравий тайёрларчи бўйича ўтказилган семинарда ҳамда «Рвагаорез» ре-волюцион ёшлар ташкилати уюш-тирган «маданият ҳафталигида» иштирок этди. «Рвагаорез» рево-люцион ёшлар ташкилотининг раҳбарлари билан музокаралар олиб борилади. Ташкилотнинг бош секретари Пьер Ндинумана Бурунди ва СССР ёшлари ўртаси-

даги дўстлик муносабатларини алоҳида таъкидлади. Совет де-легациясини бирлик ва миллий прогресс ҳунмрон партиясининг иккочи секретари қабул қилди.

ХАЛҚ МАЖЛИСИ

ТАРҚАТИЛДИ

▲ ҚОҲИРА. Миср Араб Респу-бликасининг президенти Анвар Садат 3 сентябрдан бошлаб Халқ мажлисини тарқатиб юбориш ва 27 сентябрда Халқ мажлисида ин-ги аъзолар сайлаш тўғрисидаги республика декретини эълон қилди.

ҲИНДИ-ХИТОН

ФРОНТЛАРИДА

▲ Каосан Патет Лао агентлиги-нинг берган хабарига айтили-шича, 27, 28, 29 август кунлари Лаос ватанпарварлари Қўзалар воқийсининг шимолий қисмида душман позицияларига ҳужум қилганлар. Жанглар натижасида душманнинг 220 нафар солдат ва офицери сафдан чиқарилган, уч

тўп замбараси мажақлаб ташлан-ган, шунингдек бошқа кўпгина ҳарбий техника ҳам йқсон қилин-ган.

ТЕЛЬ-АВИВ БИЛАН

ПЕКИННИНГ МУНОСАБАТИ

▲ БАЯРУ. «Аш-Шааб» газетаси сионистлар Хитой Халқ Респу-бликаси билан Исроилни бир-би-рига яқинлаштиришга уринаёт-ганини Париждан олинган маъ-лумотлар тасдиқламоқда» сарла-ҳали мақолада ёзишга қараган-да, Чжоу Эн-Лай ва Голда Ме-ирнинг руҳсати билан илмий ойм-

да Парижда Хитойнинг Франция-даги элчиси ва Исроилдаги ҳуку-мат коалициясига кирган партия-лардан бири бўлган МАПАМ пар-тияси ижроия комитетининг аъзоси Бен-Гал учрашганлар.

Икки ўртада бўлган музокара-лар натижасида, дейилди мақо-лада, дипломатик муносабатлар ўрнатилш планини босқичма-бос-қич амалга ошириш тўғрисида битимга келинган, Хитой матбу-оти Исроил ҳукуматига ҳужумлар қилиниши тўхтагани, деган аҳд-паймон ҳам қилинган.

ЗАВОД МАРКАСИ УЧУН

«Компрессор» заводига кирган киши қизғин меҳнат устида чинади: ҳар бир ишчи-хизматчи фикри-ишлари тўққинчи беш йиллик дастлабки йили план топириқларини мўддатидан олдин бажариш ҳамда корхонанинг шонли 30 йиллик юбилейига муносиб меҳнат армуғини тайёрлашга қаратилган.

Завод директори Нина Степановна билан дех ва участкалари бир-бир айланиб, ишлаб чиқариш илгорлари, ҳамда янгилик юқдорлари билан яқиндан танишди.

6-деха кивармишда дех бонлиги Юрий Алексеевич Ботнаев билан рубару келдик.

Планин барвақт бажариб қўйди, — дейди у севинчини ашқиролмай. — Саккиз ойлик топириқ мўддатидан уч кун илгари адо этилди. Завод аҳли олдинда берган ваъданиз улдасидан чиқди. Янги кўча конвейер ўрнатиб, ишга туширдик. Планага қўшимча равишда ўнлаб машина, механизм ремонтдан чиқарилади.

Ҳақиқатда, ремонт-механика цехининг кули гул ишчилари темирчилик-пресслаш цехининг тайёрлаш участкасида ускуналарин қайта комплектаб, бу ишин мўддатидан бир ҳафта илгари бажаришди. Эндиликда оғир қўл меҳнати буткул механизация устига юкланди. Материал ва ускуналар механизм-

лар орқали шундоқ дастгоҳ олдида келтириб бериляпти.

Умуман, корхонамиз ишга тушиб, дастлабки компрессор ишлаб чиқарганда берилган конструкция қилиниб келинмоқда, — дейди завод директори. — Масалан, қўшимча қисмлар ишлаб чиқарувчи 12-дехани олиб қўйилди. Бир қарашда бу ерда тайёрланадиган маҳсулотни киши «назарига келмайди». Ваҳоланки, уларнинг биронтаси иш жараёнида ишдан чиқиб қолса борин, компрессор тўхтайдди. Қолади. Бу дехда қайта жиҳозлаш, янги дастгоҳлар ўрнатиш ишлари тугалланди. Поршеньлар динияси тўла монтаж қилинди, корек поток диниялари ишга туши-

рилди. Натижада қўшимча қисмлар ишлаб чиқариш ҳам, меҳнат унумдорлиги ҳам кескин ошди.

Чиндан ҳам, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, асқириб қолган ускуналарин янги, замонавий дастгоҳлар билан алмаштириш, ички резерваларин қидириб топиб, жорий этиш, иш вақтидан иложи борича самарали фойдаланиш тўғрисида ойлик, квартал курсаткичлар ошиб бориюкда, маҳсулот ишлаб чиқариш ортмоқда.

Жумладан, корхонада яқинда бошлаб «ПР-10М» маркали янги модернизацияланган компрессорларин серияли ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янги компрессор ўз ўрнишдо-

шидан бир тонна енгил бўлиб, иш унуми ҳам бирмунча ортди. Кам ёнилар сарф этилади.

Партия ва ҳукуматимиз курсатмаларига амалий иш билан жавоб бераётган компрессорчилар янги йиллик топириқини ҳам мўддатидан олдин адо этиб, халқ ҳўжалигига пландан ташқари юзларча кўчли компрессор, қўшимча қисмлар етказиб беришди. Аҳдига сўфидорлар август ойи планини ҳам ўз вақтида урдалашди.

Завод директори янги беш йилликда эришилаётган муваффақиятлар тўғрисида ҳикоя қилиб, гап рационализаторларга бориб тақалганда, мамнуи ҳолда деди:

— Ҳар бир цех ўз рационализаторларига эга. Уларнинг ишлари, яланиларини эвазига олти ой ичда 25 минг сўфидан ортқ маблағ тежаб қолди. Масалан, Григорий Краткий «ПР-10М» компрессор мойини тозалашни тақомиллаштириш ҳақидаги тақлифи жорий этилиши натижасида корхонамиз олти минг сўфидо кўрди. Евгений Рудченко, Аҳмад

Чанишев, Юрий Аблаев ва бошқалар киритган янгиликлар ҳам корхонанинг янги-янги сўмлаб маблағини тежаб қолдиш имконини берди.

— Тежамкорлик масаласида ҳам ишларимиз чакки эмас, — давом этди директор. — Янги беш йилликнинг дастлабки йилида 12 минг тонна қора металл тежаб қолдишни планлаштирган эдик. Фақат олти ой мобайнида 7 минг тоннадан зиёд хомаше иқтисод қилинди. Шунингдек, 125 минг киловатт-соат электр энергияси тежашга эришилди. Меҳнат унумдорлиги эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 процентга ошди.

«Компрессор» заводига вақтдан узиб меҳнат қилаётган ишчилар татайғина. Ишни ўзаро социалистик мусобада асосда ташкил этган — бу азаматлар смена топириқларини доимо бир ярим баравад адо этиш билан янги, маҳсулот сифатига ҳам алоҳида эътибор беришди. 3-механика цехидаги слесарь Агаам Каримов, токарь Ҳасим Қорабоев, 1-дехдан қо-

липовчи Юрий Фадеев, 12-дехдан Комла Мухитдинов ва бошқалар беш йилликни тўрт-тўрт ярим ишда бажаришга бел боғлашди. Натижасида корхона саккиз ойлик план топириқини 101,1 процентга адо этиб, пландан ташқари халқ ҳўжалигига 65 минг сўфидо маҳсулот реализация қилинди.

Маълумки, завод маҳсулотига республикамиз ёки Иттифодийликда эмас, балки чет элларда ҳам талаб катта. Ҳозир маҳининг 40 дан ортқ мамлакат «Компрессор» маҳсулотини харид қилапти.

— Чет эллик миқозларимиз талабини ўз вақтида қондириб боришимиз, — дейди пировардида корхона директори Нина Степановна Новоченко. — Фақат саккиз ой мобайнида Польша, Германия, Демократик Республикаси, Чехославкия ва бошқа мамлакатларга 80 дан ортқ янги маркали компрессор юборилди...

Я. САЛИМОВ,
Ш. ШОАЛИМОВ.

КОНКУРС ГОЛИБИ

«Эбекхиммаш» заводига ёш ишчилар ўртасида вақти-вақти билан «Э» касбининг ёш ва моҳир ишчиси» конкурсига ўтказиб туриш анъанасига айланиб қолмоқда. Биринчи, иккинчи квартал мобайнида тонари ҳамда слесарлар конкурсига ушторилган бўлса, яқинда электр қиймандчилар ўзаро мусобақалашилди.

Конкурс қатнашчилари белгиланган (20 минут) вақт ичда қиммий аппаратнинг тайин мўсаламаларини пайванд этиб қўладан чиқаришлари лозим эди. Бунда электр пайвандчи пайвандлаш режими ҳамда материалларини ўз ихтиёрича тайлаб олишига йўл қўйилди. Мусобақа шартларини ниҳоятда масъулиятли бўлиб пайванд қилиш заводида ишлаб турган эа лонга мос келиши лозим.

Конкурсда қозон пайвандлаш цехининг 25 йили ишчиси Михаил Залозний энг яхши натижага эришди, конкурс ҳаётияти унга «Залозний» энг яхши электр пайвандчиси» лояини берди. Шунингдек, у биринчи мукофот билан ҳам тақдирланди.

Михайилнинг юзга яқин ишчилар ўртасида бундай шарафли номга эришини бечиз эмас. Ёш коммунист ўз бригадасида лаббатли мутахассис ҳисобланади. Оташқало йигит пайвандлашнинг бир неча йўлини пухта ўзлаштирган. Яқиндан бошлаб у нарбонат антидир таонда ишлайдиган ярим автомат билан пайвандлашни ўрганиб олди. Бу усул ўта мураккаб бўлиб, мутахассислар таъбирга кўра заргарлик насобига ўхшаи ўта андлик ва ноқиз ҳам талаб этади.

Михайл Залозний қўли гул пайвандчи бўлиши билан биргилар ортқ ишчи ҳамдир. У Деятов ва ташаббусига корхонада биринчилар қаторига қўйилди, бешинчилик план топириқларини 3,5 йилда бажаришга аҳд қилган. Шу тўғрисида куллик нормасини бир ярим баравага етказиб адо этапти.

О. ЛЕВАК,
Чирчқ шаҳри.



НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ

Иккинчи жаҳон урушидан кейин авиқ олиб кетган миллий озолик ҳаракатининг қудратли бўлини натижасида Осиё, Африка тупрогидан империализмининг жиканча мустамлакачилик системаси суриб ташланди. Мустамлакачилар асрлар бўйи ағалик қилиб келган ерларда янги, ёш миллий давлатлар пайдо бўлди. Уларнинг ҳозир ривожланаётган мамлакатлар ёки «учинчи дунё» давлатлари дейишди.

Асрлар оша империалистлар эҳми остида экилиб келган ана шу мамлакатларнинг халқлари жаҳон иқтимоий тараққиётдан четда қолган эдилар. Улар социал-иқтисодий муносабатларда ҳам илгор халқлардан анча орқада бўлганлар. Озод бўлган халқлар ҳокимиятини ўз қўлларига олган, бундан кейинги ривожланишининг аниқ йўлларини белгилаб олиш ҳақидаги масалани ҳал этишга иришилди. Улар олдинда тараққиётнинг илми йўли: капиталистик ва социалистик йўл бор эди. Капиталистик йўл «учинчи дунё» халқларига яхши таниш. Улар капиталистик йўл иқтисодий юксалишининг аниқ истидболлини, амалда сиёсий мустакиллигини таъмин этмаслигини билар эдилар. Улар бу йўл жаҳон капиталистик ҳўжалиги гирдобига тортиши ҳамда бу билан империалистик мустамлакачилар ҳукмронлиги қайта тикланишини тушуниб етдилар.

Озод бўлган қўвчилик мамлакатларнинг халқлари империализмга қарши кураш олиб боравер эдилар, умуман ҳар қандай эксплуататорлик муносабатларини йўқотиш тарафдорли бўлиб чиқдилар. КПСС XXIV съездининг Марказий Комитетининг Ҳисобот доклады юзасидан қабул қилинган резолюциясида шундай дейилди: «Империализм миллий озолик курашдан ўсиб чиққан кулларнинг ҳаммасига тобора кўпроқ дучор бўлмоқда. Кўп мамлакатлардаги миллий-озодлик курашининг амалда феодализмга қарши курашнинг негиздаги эксплуататорлик муносабатларига қарши курашга айлантириш — энг асосий ишдир».

Ёш давлатларнинг халқлари яхши ҳаёт ҳақидаги ўз оруз-умидларини социализм билан боғламоқдалар, негаки, фақат социализмгина уларга иқтисодий ва иқтимоий ривожланиш учун имконият яратиб беради ҳамда уларни империализм ва янги мустамлакачилик исанаксидан озод қила олади. Шу сабабдан бир қатор ривожланаётган мамлакатларда, яъни ҳокимият тепасига революцион-демократик қулар келган давлатларда ривожланишининг юксалишини йўли танабл олинди.

«Ҳозирги кунда Осиё ва Афри-

када нокапиталистик тараққиёт йўлига тушиб олган, яъни келажикда социалистик жамият қуриш йўлига тушиб олган мамлакатлар оз эмас, — дейлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг партия XXIV съезида қилган Ҳисобот докладыда. — Кўп давлатлар ана шу йўл билан бормоқдалар, бу давлатларда халқ оммасининг манфаатларига мос бўлган, миллий мустакиллигини мустаҳкамлашга олиб борувчи чуккур социал-узартишлар борган сари кўпроқ амалга оширилоқда».

Ана шундай давлатлар қаторига Миср, Араб Республикаси, Жазаир, Бирма, Сурия, Гвинея, Конго Халқ Республикаси (Бразилия), Танзанияни киритиш мумкин. 1969 йилда Сомали, Ливан, Уганда каби Африка мамлакатлари ҳам тараққиётнинг юксалишини йўлини танабл олганликлари ҳақида маълум қилдилар. «Баъзи давлатлар тараққиётнинг нокапиталистик йўлига ўт-

сурган эдилар. Уларнинг фикрича, қолоқ мамлакатларнинг капитализмни четлаб ёки «қисқартиб» социализмга ўтиши учун икки асосий шарт-шароит бўлиши зарур: биринчидан, агар бирор мамлакатда капитализм барқ уриб ривожланган бўлса ва социалистик революция қалаба қилса, иккинчидан, агар гольи пролетариат қолоқ халқларга ҳўжалиқнинг социализмга бўлган шаклини социалистик ҳўжаликка айлантириш имконига эга бўлишлари учун ҳар томонлама, биринчи гада моддий-техника ёрдами кўрсатса, бунда социализмга ўтиш марказ-ленинчи партиялар раҳбарлиги остида ҳамда ривожланган социалистик мамлакатлар, энг аввало Совет Иттифоқининг ҳар томонлама ёрдами ва қўллаб-қувватлаши натижасида амалга оширилоқда.

Нокапиталистик тараққиётнинг миллий-демократик шакли ҳозирги вақтда социализм томон бораётган МАР, Жазаир, Сурия, Бирининг Декларация, Баёот ва

ТОШКЕНТ тўқимачилик машиналари заводи коллективни тўқимачилик бешйилликнинг дастлабки йилида улкан зафарлар кучмоқда. Аҳдига вафодорлар саккиз ойлик планини ҳам ўз мўддатига адо этидилар. Завод меҳнаткашларининг бундай муваффақиятида 2-механика цехининг илгор ишчиси ўртоқ С. Хикматуллаевнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жонқури ишчи ўз зиммасига шахсий мажбурият олиб ишлаб, куллик топириқларини 120—130 процент қилиб адо этмоқда.

Суратда: ўртоқ С. Хикматуллаев.

А. ТУРАЕВ фотоси.



ИССИҚЛИККА БАРДОШ БЕРУВЧИ КОМБИНЕЗОН

ГРУЗИН олимларининг болгариялик мутахассислар билан ҳамкорлигида яратган комбинезоннинг киёиб несиқ пехда 200 даражага ҳам қоронда бемалол ишлай бериш мумкин.

Сифатидра монтаж қилинган ва комбинезоннинг бир қисмининг тақкид этуви «нафас олиш аппарати», масалан, мартен печини ремонт қилаётган ишчининг ҳариятини ҳеч чекламайди.

ҚИШЛОҚ БУЮРТМАСИГА БИНОАН

ПЛАВСК машинасозлик заводи «Смичка» (Тула области) ОМ-1 маркали янги сепараторни ишлаб чиқаришга киришди. Машина сутин чет аралашмалардан тозалайди, шунингдек бир тонна сутин бир соатда совутиб беради. Завод йил охиригача икки мингтадан ошқ шундай сепаратор тайёрлаб беради.

«Смичка» соатига 50 килограмм сутин ўтказишга мўлжалланган икки сепараторлардан тортиб то соатига 15 тонна маҳсулот ўтказишдан кучли агрегатгача 24 хил сепаратор ишлаб чиқаради. (ТАСС мухбири).

НОКАПИТАЛИСТИК ЙЎЛ — СОЦИАЛИЗМ ЙЎЛИ

дилар, — дейлади Коммунистик ва ишчи партияларининг Москва кенгаши (1969 йил) Асосий ҳужжатида — Бу йўл ўтмишдаги мустамлака давридан мерос бўлиб қолган қолоқликни тугатиш ва социалистик тараққиётга ўтиш учун шарт-шароит вужудга келтириш имконини таъминлайди.

Демак, нокапиталистик йўл — капитализмни четлаб социализм сари ривожланиш йўлидир. Озоликка чиққан мамлакатларда социализмга тезда ўтиш учун ҳозирча зарур шарт-шароит, моддий-техника ва социал-иқтисодий база йўқ. Буни яратиш учун ривожланишининг маълум мўддатли ўтиш босқичи бўлиши зарур. Бу эса амалда ҳўжалиқнинг капитализмга бўлган формасидан социализмга ўтиш даври демандир. Ана шу даври нокапиталистик тараққиёт йўли дейилади. Нокапиталистик тараққиёт даврида миллий-озодлик революциясини охирига етказиш ҳамда социализм томон янада илдамлаб бориш учун моддий ва социал шарт-шароит тайёрлаш мақсадига революцион-демократик ўзгаришлар амалга оширилади.

Ривожланишдан орқада қолган мамлакатларнинг нокапиталистик тараққиёт йўлидан бориш мумкинлиги ҳақидаги гоийи даставвал К. Маркс ва Ф. Энгельс илгари

Асосий Ҳужжатда, КПСС XXII—XXIV съезларининг тарихий қарорларида қолоқ мамлакатларнинг нокапиталистик тараққиёт йўлидан бориш мумкинлиги ҳақидаги назарияни икжодий ишлаб чиқишда катта ҳисса қўшилди.

Совет Иттифоқи миллий республикалари нокапиталистик тараққиёт йўлининг ярим асрдан сал кўпроқ вақт ичидан бий тақриббалари, социалистик мамлакатлар — Монголия, Шимолий Вьетнам, Шимолий Корея ва бир қатор ёш миллий давлатларнинг қўл йўллардан бунча ана шу йўлдан муваффақиятли ривожланиб бораётганини нокапиталистик тараққиётнинг уч йил асосий шаклини кўрсатиб ўтишга имкон беради. Булар — пролетар-демократик, халқ-демократик ва миллий-демократик тараққиёт шакллари.

Пролетар-демократик шакл — нокапиталистик тараққиётнинг бир қадар революцион шакли ҳисобланади. Урта Осиё, Қозғистон, Кавказ, Поволжье, Чекка Шимолий ва Узоқ Шарининг кўпчилик халқлари социализмга худди ана шу йўлдан ўтидилар. Улар социализмга нокапиталистик тараққиёт йўлидан жуда қисқа тарихий мўддат (16—18 йил) ичда ўтишга муваффақ бўлдилар.

Нокапиталистик тараққиёт йўли бу шаклининг энг асосий ҳу-

суят шундан иборатки, социализмга ўтиш умумдаватли миқёсдаги пролетариат диктатураси шарт-шароитида ҳамда бир қатор ривожланган социалистик миллатлар, энг аввало рус ишчилар синфининг ҳар томонлама ва доимий ёрдами тўғрисида амалга ошди.

Нокапиталистик тараққиётнинг халқ-демократик шакли Монголия, Шимолий Корея ва Шимолий Вьетнам халқларининг социализмга ўтиш тақрибасида ўз ифодасини топди. Нокапиталистик тараққиёт йўли бу шаклининг энг асосий ҳуусияти шундан иборатки, бунда социализмга ўтиш марказ-ленинчи партиялар раҳбарлиги остида ҳамда ривожланган социалистик мамлакатлар, энг аввало Совет Иттифоқининг ҳар томонлама ёрдами ва қўллаб-қувватлаши натижасида амалга оширилоқда.

Нокапиталистик тараққиётнинг миллий-демократик шакли ҳозирги вақтда социализм томон бораётган МАР, Жазаир, Сурия, Бирининг Декларация, Баёот ва

тўнтарини қилишга муваффақ бўлдилар.

Бу мамлакатларнинг революцион-демократик қулар социалистик давлатларнинг ҳар томонлама мададига таяниб, реакция қуларини жиловлаб қўйишга ҳамда иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг революцион ўзгаришларини амалга оширишга қодирдилар.

Нокапиталистик йўл билан социализмга ўтишининг тарихий тақриббалари шунинг кўрсатиб турибдики, турли мамлакатлар тараққиёт йўли туб, умумий қонуниятлар бор. Булар: умумдават секторини вужудга келтириш, ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, индустриалаштириш амалга ошириш; туб аграр ислохотлар ўтказиш; халқ ҳўжалигини планлаштириш; маданий революцияни амалга ошириш, миллий зулмни йўқотиш, халқлар, элалар ва уруз-аймоларни ўртасида тегишли ва қардошларни дўстликни вужудга келтириш; миллий-озодлик революциясини талабларини ҳимоя қилиш ҳамда озоликка

далар, ҳар икки томон учун фойдалиб бўлган савдо-сотиқ ишлари олиб боришмоқда. Буларнинг барчаси мустакил иқтисодий иш жүзда келтириш учун зарур шарт-шароит тугдирмоқда.

Л. И. Брежнев партия XXIV съезидаги Ҳисобот докладыда шундай деб таъкидлаб ўтди: «СССРнинг озоликка чиққан мамлакатлар билан сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлиги ана шу йўллар мобайнида янада ривожланади. Бизнинг улар билан қилётган савдоиқс ўсиб бормоқда. Осиё ва Африканинг кўп давлатларида бизнинг иштирокимизда ўзлаб саноат ва қишлоқ ҳўжалик корхоналари қурилади. Биз ана шу мамлакатлар учун кадрлар тайёрлаб бериш ишига ҳам ҳисса қўшмоқдамиз. Ана шу ишларнинг ҳаммаси ҳар икки томон учун фойдалидир».

СССРнинг ривожланаётган мамлакатлар билан олиб бораётган иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришга Ўзбекистон ҳам салмоқли ҳисса қўймоқда. Ана шу мамлакатларга Тошкент электротехника, Андижон машинасозлик, Қўқондаги «Болшевник», Тошкентдаги «Подъемник», экскаватор, «Таштекстильмаш», «Ўзбекхиммаш», «Таштрансмаш» заводлари ва бошқа корхоналар ўз маҳсулотларини йўқотиб туришди. Ўзбекистон ривожланаётган мамлакатларга юзлаб мутахассислар юбормоқда. Фақат кейинги йилларнинг ўзида Осиё ва Африка мамлакатларида Ўзбекистондан борган 800 га яқин мутахассис ишлайди.

Бироқ шунинг ҳам айтиб ўтиш керакики, озоликка чиққан мамлакатларнинг социализм томон нокапиталистик тараққиёт йўлидан боришдаги умумий қонуниятлар ўтиш даврида конкрет тарихий ва миллий ҳуусиятлар турли-хил бўлиши мумкинлигини инкор этмайди, аксинча тақозо қилади.

В. И. Ленин ҳамма миллатлар социализмга борадилар, бироқ улар бир хил йўл билан бормайдилар, ҳар бир миллат демократиянинг бирор формасига, пролетариат диктатурасининг бирор шаклига, иқтимоий ҳаётнинг турли томонларини социализм асосда ўзгариштириш бирор сўратига ўзига хос ҳуусият киритади, деб айтган эди.

Турли мамлакатларнинг социализмга ўтиш даврининг тарихий тақриббалари ана шу қонданнинг пақадар тўғрилигини исботлаб турибди.

Л. ШЕК,
Ўзбекистон КИ Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг катта илмий ходими.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Натижаларини
Маълум қилади

ДАРАХТЛАРИНИ САҚЛАЙЛИК


Шаҳримизнинг ёнгинасида жойлашган «Тошминвода» шифохонаси минг дардга даво бўлувчи жой. Унинг қайроқ сувидан наҳачдан-қанча бемор баҳраманд бўлади. Лекин бир нарсани эътибордан қолдириш керак: Шундай шифобахш жойга эгилган мева дархатларини сувсизликдан сарғайиб, қуриб қолмоқда, мевалари ноубуд бўлмоқда.

Редакция шу тўғрисида хатини текшириш ва чора қилиш учун шифохона бош врачига ўртоқ Ф. А. Очиповга буюрди. Бизга қўйидаги мазмунда жавоб келди: Хат ҳўжалик ишлари билан шуғулланувчи ходимлар ўртасида муҳожима қилиниб ва тегишли таъбир белгиланди. Ўз ишига бефарқ дарағаллиги учун агроном М. А. Азизов қаттиқ оғохлангирланган.

ҚИШЛОҒИМИЗГА АВТОБУС ҚАЧОН ҚАТНАЙДИ?

«Қишлоғимиз Бўстонлиқ районидидаги Чорвоқ ГЭСининг ёнгинасида жойлашган. Сижоак кундан-кунга кенгайиб, гўзаллашиб бораёпти. Аммо шуниси ачинарлики, қишлоғимиз меҳнаткашлари бирор ерга бормоқчи бўлишса, транспорт йўқ».

Бир гуруҳа йўловчилар бизга шу ҳақда хат йўллашганди. Редакция бу борада тегишли чора қилиш учун област пасакари ташкил автотрестига шу хатни юборган эди. Кунин мева шу хатга жавоб олдик. Унда айтилишича, Сижоак қишлоқ аҳолисининг шижоати юзасидан тегишарлиқ ўтказилган. Ҳақиқатан ҳам Сижоак билан Ҳўжакеит ўртасида транспорт қатнаши зарур эканлиги аниқланган. Лекин «Ҳўжакеит-Сижоак» магистраль йўлининг қурилиш ҳақи тугалланмаган. Шу йил қурилиш тугалланган, фойдаланишга топириқлаган, бу йўлда автобуслар мунтазам қатнай бошлайдилар.



А. АБАЛЯН фотоси.

Р — 02812. А — 1828.
ИНДЕКС — 64697.